

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 19 (3391)



2001 йил 9 май, чоршанба



Сотувда эркин нархда



## СИЗ ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ!

Ички ишлар идоралари ходимларини, Ички ва қоропул қўшинлари ҳарбий хизматчиларини, таълим мусасалари ўқитувчи-профессорларини, курсантлари ва тингловчиларини, барча ишчи ва хизматчиларни, меҳнат ҳамда уруш фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан савимий табриклийман.

Ватан мустақиллиги, тинчлиги йўлида курбон бўлган азиз юртдошларимиз хотираси қалбларимизда абадий сакланиб қолади.

Уларнинг жасоратлари бизни Ватанини кўз қорачиғидай сақлашга, тинчлик ва осойишталикни бор кучимиз билан ҳимоя қилишга чорлаб туради. Шундай экан,

биз оталаримиз ва боболаримиз жасоратлари билан фаҳранишига ҳаклимиз.

Фахрийларимизни эъзозлаш, ҳурмат ва иззат кўрсатиш, ёшларимизни Ватанга, ҳалқа, хизмат бурчига садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашда уларнинг бой ҳаётӣ таҳрибаларидан фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиши лозим.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, тинчлик хотиржамлик, оиласи фаровонлик тилайман.

**З. АЛМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири,  
ички хизмат генерал-полковниги.

## УНУТИБ БЎЛАРМИ СИЗЛАРНИ!



Кўзга суртиб яшаймиз бугун,  
Сиздан қолган азиз изларни.  
Ватан учун шаҳидсиз ахир,  
Унутуб бўларми сизларни!



А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ  
олган суратлар

## Бош-муҳаррир минбари

### Ҳалқнинг мангӯ хотирасида

Пойтахтимиз марказидаги Мотамсаро Она монументи, барча вилоят ва туман марказларидаги Хотира ёдгорликлари майдонлари бугун, айниқса, гавжум. Минг-минглаб ўзбекистонликлар анъанага мувофик ўз фарзандлари, невара-чёваралари билан бу ерга суронли уруш йиллари азиз жонларини фидо килган қаҳрамон авлод хотирасини ёдга олиш учун келадилар.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ҳар биримиз учун фоят чукур маънога эга. Давлатимиз раҳбарининг Фармони асосида янгича ном билан юритила бошланган бу кун Ўзбекистон ҳалқининг иродасини тўлиқ ифода қиласди.

Бу – жант майдонларида қаҳрамонона ҳалок бўлган ўзбекистонликларни ёдлаш ва эъзозлаш куни.

Жанг жадалларда шаҳид кетган яқинларимиз хотирасини ёдга олиб, бугун биз шу кутлуг кунда Президентимизнинг: “Биз фақат ҳалок бўлганлар хотирасини ёдга олиш билан кифояланмасдан, балки бугун ҳаёт бўлган кишиларни қадрлашимиз ҳам, уларнинг хизматларига яраша ҳурмат-эътибор кўрсатишимиз керак. Қадрлаш деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, балки кексаларимизга, оталаримиз ва оналаримизга, барча қариндош-уругларимизга ҳурмат-эътиборни тушунайлик”, деган сўзларини беихтиёри эслаймиз.

Бу кунда Хотира мемориалларига келиб, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жонларини курбон килган азиз ўғлонлар ва қизлар хотираси олдида бош эгиб, таъзим қиласми.

Она-юртнинг буюк келажагига ишонч билан қараган, истиклол фоялирига сўнгти нафасларигача содик қолган, анъаналарни тиклаш ва ҳалқнинг тарихий ёдгорликларини, қадриятларини қайта тиклаш йўлида ҳалок бўлганлар хотираси олдида бошимизни эгиб таъзим қиласми.

Президентимизнинг Хотира ва Қадрлаш кунини байрам қилиш тўғрисидаги Фармонида кўрсатиб ўтилганидек, бу кунда фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса кўшган, шунингдек, Ватан мустақиллиги учун куч-ғайратини ва ҳатто ҳаётини ҳам аямасдан жанг килган бирон бир фахрий, бирор инсон унугиб қолдирилиши мумкин эмас. Уларнинг ҳар бирларига муносиб ҳурмат-эътибор кўрсатилиб, қадр-қимматлари ўрнига қўйилмоғи керак.

Таассуфки, фахрийлар, айниқса, уруш иштироқчилари ва ногиронларининг сафи йил сайин сийраклашиб боряпти. Шу боис, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратишни, уларни мунтазам равища маддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлаб туришни ҳар биримиз ўз бурчимиз деб билмогимиз лозим. Фақат жамғармалар ва ташкилотларгина эмас, балки Ўзбекистон тупроғида яшаб турган ҳар бир киши ўз имконияти даражасида шундай қилмоғи зарур.

Шу кутлуг кунда биз барча уруш ва меҳнат фахрийларига, Ватан олдида ўз фарзандлик бурчини вижданан бажарган, ўз ишлари билан шу азиз заминда муносиб из қолдириган кишиларга ҳурмат-эътибор кўрсатамиш. Биз жигаргўша оқсоқолларни, азиз ва мўътабар оналаримиз, бувиларимизни эътибор ва ғамхўрлик билан куршаб оламиш. Зоро, уларнинг ақл-заковатлари ва меҳрибонликлари жамиятга мамлакатнинг соглом, баркамол навқирон авлодини вояғя етказишига кўмаклашмокда.

Ўтган йили Хотира ва Қадрлаш кунини байрам қилиш асносида Мотамсаро Она монументи ёнида набиралари ёки эварачеваралари билан сухбатлашиб турган кўплаб фахрийларни кўрдим. Ҳеч шубҳасиз, бу сухбат “Сникерс” ёки “Баунти”лар хақида эмасди. Бу ерда, Хотира майдонида одамлар факат энг жиддий, энг мўътабар ва азиз нарсалар хусусида сухбатлашишади. Ўғил-қизлар бобо ва момоларининг хикояларини жон кулоқлари билан тинглашаётганини бир кузатинг-а!

Бугун ҳам кўплаб ҳаяжонли сухбатлар кечиши табиий бу майдонда. Бу сухбатлар болакайлар учун илк маънавият сабоғи бўлиб колади, албатта. Ва, улар бу сабоқлардан кекса авлоднинг улуғ ишларини давом эттирувчилар бўлиб этишишлари лозимлиги, Она-Ватан келажаги – Ўзбекистон мустақиллиги уларнинг шонли анъаналарга нечоғлик содик бўлиб қолишиларига боғлиқлигини англаб етадилар. Бу эса, мустақил Ватанимиз равнаки учун ниҳоятда муҳимдир.

Ҳаёт давом этмоқда. Авлодлар жасорати ўзбекистонликлар хотирасида абадул-абад сақланиб қолажак.

## САДОҚАТДАН СҮЗ ОЧИШДИ

**Бундан бир неча йил илгари Бухоро вилояти ИИБ кошида ўқув маркази фаолият юрита бошлагач, тингловчиларга қуалайлик яратилди. Улар ўзлари яшаётган жойда бошланғич тайёргарликдан-үтиш имкониятiga эга бўлдилар.**



Ўқув марказига шахсий таркиб билан ишлаш бўйича катта тажриба тўплаган милиция подполковники Убайдулла Очилов раҳбарлик қиласяпти. Яқинда 42–45 гурӯларда таълим олган тингловчиларнинг тантаналини равишда қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Бўлажак посбонлар Бухоро шаҳри марказидаги Хотира ва Қадрлаш майдонига ўрнатилган Мотамсаро Она ҳайкали олдида Она-Ватани, ҳалқига садоқат билан хизмат қилишга тантанали ваъда бердилар.

**Суратда:** қасамёд қабул қилиш пайти.

Жанговар шон-шуҳрат музейининг шахсий таркиби ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашда аҳамияти бекиёс-сдири. Буни яхши тушунган Коровул қўшинлари кўмандонлиги Баш бошқарма ташкил этилиши билан ана шундай савобли ишга кўл урган эди. Музей қисқа муддатларда ташкил этилди.

Шу йил 5 май куни соат 10.00дан 12.00 гача ИИВ Бирлашган таҳририятида Коровул қўшинлари таркибига хизматга чакириш, хизмат шартлари ва уни ўташ, тарбиявий ишлар, маишӣ ҳамда тиббий шарт-шароитлар каби масалалар бўйича бевосита мулокот бўлиб ўтди. Унда газетхонлар саволларига ИИВ ККББ бошлиғининг шахсий таркиб бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи, полковник Муит Аминович ФОЗИЛОВ, хизмат ва жанговар фаолиятни мувофиқлаштириш ва ўйғуллаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник Ойбек Нуржакипович РАУЯСОВ, ташкилий бўлиб бошлиғи, полковник Виктор Дмитриевич НЕПОМНЯШИХ, тиббиёт бўлими бошлиғи, подполковник Анвар Валиевич МУСАЕВ ва қадрлар бўлими бошлиғи, подполковник Аъзамхон Ўлмасови ЭШОНҚУЛОВ жавоб бердилар.

— Коровул қўшинларига қандай вазифалар юқлатилган?

— Бу турдаги қўшинлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ таркиби киради. Уларнинг асосий вазифалари маҳкумларни қўриқлаш, назорат қилиш, белгиланган манзилгача кузатиб бориш, жазони ижро этиш мусассаларини қўриқлаш кабилардан иборатdir.

— ИИВ Академиясида таҳсил олини даври ҳарбий хизматта кирадими?

— ИИВнинг барча олий таълим мусассаларida ўқиш даври ҳарбий хизмат муддатига киради.

— Хотин-қизлар ҳам шартнома асосида ҳарбий хизматта қабул қилинадиларми?

— Ҳа. Бунда уларнинг мутахассислиги, соғлиғи, оилавий аҳволи каби масалалар ҳисобга олинади.

— Коровул қўшинлари учун офицер қадрлар тайёр

## Мұхим тарбия

Алоҳида стендлар генерал-лейтенант Б. Сирожиддинов, генерал-майор Ю. Радченко, полковник В. Колесников сингари саркардаларнинг тарихий хизматларидан ҳикоя қиласи. Шу ўринда музей-имизни экспонатлар билан бойитишида Б. Сирожиддиновнинг оила аъзоми

лари яқиндан ёрдам берганларини миннадорчилик билан қайд этишини хоҳлардим.

Хозиргача бу даргоҳга 5 мингдан зиёд киши ташриф буюрди. Музейнинг ташрифчилар қайдлари битилган китобини варажлар экансиз, қўйидаги сўзларга кўзингиз тушади:

## ЎЧОҒИ

“Коровул қўшинлари музейи билан танишар эканман, жуда катта маънавий озука олдим. Қўшинларда ижсобий анъаналар сакланишида ва кенг ёилишида бу музейнинг аҳамияти каттадир.

Полковник В. СТРУКОВ,  
Россия Федерацияси».

Х. ОЛЛОНАЗАРОВ.

## Коровул қўшинларида хизмат қиламан!



қўмандонлигига мурожаат қилиши керак. Бўш лавозимлар бўлса, қабул қилишади.

— Вақтинча рўйхатдан ўтган фуқаро шартнома асосида ҳарбий хизматта ўтса бўладими?

— Агар у Ўзбекистон фуқароси бўлса, мумкин. Чунки амалдаги қонунларга кўра ҳарбий хизматга республикамиз фуқаролари бўлган шахслар қабул қилинадилар.

— Мен 1999 йилда мурожаат қилишингиз мумкин.

— Қайси лавозимларга шартнома асосида хизматта қабул қилинади?

— Асосан кичик мутахассислар лавозимларига. Бундай лавозимлар штатлар жадвалида кўрсатилган бўлади.

— Ўзим 2000 йилда муддатли ҳарбий хизматни туттаган эди. У энди шартнома асосида ҳарбий хизматта ўтиши мумкини?

— Мумкин. Бунинг учун ҳарбий жамоалардан бири

гатиб, Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилинман.

ИИВ Коровул қўшинларида хизматимни давом эттиришим мумкини?

— Мумкин, бунинг учун ҳарбий вазирлигининг розилиги керак.

— Эшитишмача, бундан кейин айрим ҳарбий унвонлар берилмас экан...

— Ҳа, бундан бўён старшина, прапоршчик, катта прапоршчик, кичик лейтенант ҳарбий унвонлари берилмайди.

— Яқинда укам Коровул қўшинларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. Иссик жон, касал бўлиб қолиши мумкин. Аскарларга яратилган тиббий шарт-шароитлар ҳақида гапириб берсангиз...

— Коровул қўшинларига қарашли барча ҳарбий жамоаларда тиббий пунктлар фуқарият кўрсатади. Бу масаканларда малакали врачлар, тажрибали ўрта тиббий ходимлар ишлашади. Зарур барча дори-дармонлар, асбоб-ускуналар етарли. Керак бўлса, аскарларни ҳарбий

## Огоҳлик – давр талаби

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбариятининг ташаббуси билан “Огоҳлик – давр талаби” мавзууда кенгайтирилган йигилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, божхона, маҳалла фаоллари, вилоядаги фуқаролари йигинлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, мактаб директорлари, вилоят диний идораси вакиллари, масжидларнинг имомлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маъсул ҳодимлари иштирок этилди.

Йигилиш қатнашчилари сўнгти пайтда ҳушёриклари бирор сусайтанини тан олишиб, огоҳлик ҳар қадамда ҳамроҳимиз бўлиши лозимлигини таъкидлашди.

**Х. БОЛТАЕВ,**  
милиция подполковники.

## Кун тартибида – ёшлар муаммоси

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг кичик мажлислар залида “Ёшлар ўртасида жиноятчилик, унга қарши кураш, бу соҳадаги мавжуд муаммолар” мавзууда матбуот анжумани ўтказилди.

Вилоят оммавий ахборот воситаларини кўллаб-куватлаш жамғармаси ва вилоят ИИБ ташаббуси билан ўнширилган мазкур учрашувда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳалқ таълими, “Камолот” жамғармасининг мутасадди ҳодимлари ҳамда республика, вилоят оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этилди.

Термиз шаҳридаги Иқтисодиёт коллежида вилоят ИИБ матбуот гурухи ташаббуси билан “Ёшларни асройлик” мавзууда учрашув бўлиб ўтди.

Учфаушуга Термиз шаҳар ички ишлар бўлими, вилоят соғлини саклаш бошқармаси, шаҳар маънавият ва маърифат бўлими мутасадди ҳодимлари ҳамда “Гулистан” маҳалласи фаоллари тақлиф этилди.

Тадбирда вилоят телевидениеси ижодкорлари томонидан тайёрланган “Гиёҳандлик – аср вабоси” кўрсатувининг видеөёзуви намойиш этилди. Кўрсатув якунида сўзга чиққанлар, гиёҳандлик балосининг зарарли оқибатлари ва унга қарши кураши борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**С. АБДУВОҲИДОВ.**

госпиталларда ҳам даволай-миз.

Шифокорларимиз фақат даволаш билан шугулланмасдан, хизмат жойларида санитария талабларига риоя этилишини ҳам назорат қилишади, профилактика-тушунтириш ишлари олиб боришиади. Қисқаси, хавотирингиз ишлари керак.

— Ўзгингизнинг бўйи ва вазни мутаносиблиги мебе-рида. Агар руҳий, жисмоний, ақлий жиҳатдан ҳам яхши ривожланган бўлса, ҳарбий хизматта яроқли деб топилиши керак.

Бевосита мулокот чогида газетхонлар янга кўллаб ўзларини ўйлантирган саволларга жавоб олишиди. Биз айниқса бир жиҳатдан куонондик. Бир пайтлар бавзи ота-оналар болаларини амаллаб ҳарбий хизматдан олиб қолиши пайда бўлишади. Ҳозир, аксинча, Ватан ҳимоячиларининг обрўси, қадр-қиммати ошибди. Қанчалаб ота-оналар ўғилларини муддатли ҳарбий хизматта олишмаганидан хафа. Шартнома асосида хизмат қилишини истовчи ёшлар ҳам кўп. Улар орасида ҳатто хотин-қизларни ҳам учратиш мумкин. Шундай бўлиши ҳам керак-да. Шу Ватан бизниси бўлганидан кейин, биз хизмат қиласи, ким хизмат қиласи.

— Ўзгингиз ҳали ёш. Бемалол бу касалликларини даволатиб, ҳарбий хизматга чақирилса бўлади. У мутахассис-врачларга кўринисин аломатлари бор деб топишган. Ўзим ҳам, ўзим ҳам унинг хизмат қилишини хоҳлардик. Бунинг учун нима қиласа бўлади?

— Ўзгингиз ҳали ёш. Бемалол бу касалликларини даволатиб, ҳарбий хизматга чақирилса бўлади. У мутахассис-врачларга кўринисин аломатлари бор деб топишган. Ўзим ҳам, ўзим ҳам унинг хизмат қиласи хоҳлардик. Бунинг учун нима қиласа бўлади?

— Болам 1979 йилда туғилган. Бўйи 159 см, вазни 56 кг. Ҳар гал бўйи настлигина рўкач қилиб, ҳарбий хизматта олишмаянти. Шу тўғрими?

**А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ**  
олган суратлар.

**Номинг мудом Ватанда топгай қадр, юртдошим!**

# Изқуварлар сардори

**Живило Виктор Маркович.** Актибинск вилоятининг Мартукский туманида 1922 йилнинг 3 май куни оддий хизматчи оиласида туғилди. Оилада икки ўтил, икки қызы вояга етди. Такдир тақозоси билан бу оила Ўзбекистонга – Бухорога келиб, яшаб колишиди. Виктор дастлабки билимни Бухорода олди. Сўнгра Бухоро ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқиди. Ўқишни тамомлаб, ўрта мактабда ўқитувчилар қилаёттандада уруш бошланди. Виктор Маркович ҳам 1941 йилнинг июль ойида кўнгиллилар сафидга фронтига кетди.

Оддий солдат сифатида фронтларда жанг қилди. Курсант, катта радиист, радиостанция бошлиги даражасигача хизматда бўлди. У декабрь ойида фронтдан қайтиб, 1946 йилда Сурхондарё вилояти Денов туманида хизматта киришиди. В. М. Живило 1951 йилдан 1954 йилгача Денов, Узун, Жарқўргон туман милицияларида катта тезкор вакил вазифаларида хизмат қилди.

1955 йилдан эса Денов туман милициясида бошлиқ ўринбосари бўлиб беш йил ишлади.

1960 йил Виктор Маркович Қашқадарё вилояти Қарши милиция бўлимига бошлиқ ўринбосари вазифасига хизматга келди. 1964 йилдан эса Қашқадарё вилоят ИИБ ЖКБ бўлими бошлиги лавозимига тайинланиб, у шу вазифада умрининг охиригача, ҳалол, вижданан хизмат

қилди. Юраги ҳам айнан хизмат вазифасини ўтаётган вақтида уришдан тўхтади.

Виктор Маркович 1948 йилда кичик лейтенант унвонини олган бўлса, хизмати мураккаблашгани сайн унвони ҳам ошиб борди, 1971 йилга келиб полковник унвонини олишга мусассар бўлган эди.

Узоқ йиллар Виктор Марковичнинг тезкор ишлар бўйича муовини, унинг иш тажрибалидан баҳраманд бўлган, ҳозирги кунда вилоят ИИБ "Кўриклиш" бошқармаси "Нуроний" жамғармаси фахрийлар кенгаси раиси, истеъфодаги милиция подполковнити Жўра Раҳматов шундай дейди:

– Узоқ йиллар ички ишлар соҳасида хизмат қилдим, бундан мамнунман, албатта. Живило нинг "мактаби"да чиниқдим, шундай инсон қўлида ишлагага-

ним билан бир умрга гурурланаман.

Живило Виктор Маркович турмуш ўртоғи Анастасия Федоровна билан уч нафар фарзандни тарбиялашди. Қизи Лариса Қарши педагогика институтини филология факультетини тутатиб, 1973 йилда вилоят ИИБнинг ахборот марказига инспектор вазифасига ишга келди. 1975 йилда лейтенант унвонини олди. 1998 йилдан вилоят ИИБнинг котибиёт бошлиги лавозимида хизмат қилиб келмоқда. У ички хизмат подполковниги.

Ха, Қашқадарё вилоят ИИБда ЖИВИЛО деган машҳур изкувар хизмат қилганди. Унинг номи тоабад сафдошлари, шогирдлари тилида манту таралиб тураверади. Унинг қизи эса ота изидан бориб, эл баҳти-саодати йўлида хизмат қилаверади.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**



## Сизни қўмсаб яшайман

Яхши бўлолмам сенсиз,  
Яйраб кулолмам сенсиз,  
Яримта дил одамман  
Бутун бўлолмам сенсиз.

(Қўшиқдан).

Кунларни кувлаб ойлар, улар ортидан йиллар ўтиб боряпти. Сизсиз учинчи баҳор ҳам келди, лекин бизнинг баҳоримиз уч йил аввал эримас музлик қаърига чўкиб кетгандек, фақат ўша дамларнинг ёруғ хотираси билангина яшаяпмиз. Яхшиям, дунёда хотира деган мұқаддас туйғу бор. Адажониси, сиз мангулика рихлат қилдингиз, лекин мен ва фарзандларингиз сизни бирор кун, бирор сония хаёлдан чиқаролмаймиз.

Азизим, сиз билан ўтган ҳар бир куним мен учун қанчали қадрли эканини билсангиз эди...

**Юрагимнинг дардлари,**  
**Шеър бўлиб тўқилади.**  
**Туганмас бу соғинчлар,**  
**Кўз ёш-ла тўқилади.**



Йиллар ўтаяпти. Лекин, адажониси, сизсиз яшашга кўниколмайман, байзан ўзимни кимсасиз чўлда ёлғиз қолиб кетгандек хис килиб эзилиб кетаман, шу вақтларда сизни кўргим, сиз билан дардлашгим келади-ки.., кучим кўз ёшларимга етади, холос.

Қизларингизнинг саволларига нима деб жавоб беришни билмай қоламан. Ҳар куни овқатланишга ўтирганимизда Мафтунангиз: адам бўлсалар мундоқ қилиб ўтирадилар, мундоқ қилиб чой ичардилар деб эслайди.

Шунисига ҳам шукр қиласман, азбаройи яхши инсонларигиздан мурғак қалбда шу қадар ўрнашиб қолгансиз. Фақат бир нарса ичэтимни тирнаб юборадики, кичик қизингиз Муштарийбегим худди ўзимдек, ота меҳрини тасаввур ҳам қилмай катта бўляпти. Худди сизнига ўхшаб порлаб турган кўзига қараб хўрлигим келади. Ўтоқлари "адажон" деб отаси бағрига чопганда, кўзда ёш билан "Менинг адам, қанилар? Нега бизни ташлаб кетиб қолгандар?" деса... мен нима дёлламан?

**Қизларингиз қўзига**  
**Қандай боқай, жон бегим?**  
**Қўзларимни ёшларини**  
**Қайга тўқай, жон бегим?**  
**Қизларингиз қўзларига**  
**"Аданг мард" деб боқарман.**  
**Қўзларимни ёшларини,**  
**Қабринг узра тўкарман.**  
**Лекин сенинг иссиқ меҳринг**  
**Қайдан топай, жон бегим?..**

**Махфузা ХОЛИҚОВА,**  
Юнусобод туман ИИБ,  
милиция лейтенанти.

## Камтар ва меҳрибон инсон эди



Бошқарма бошлигининг муовини Г. Н. Череншников кўлимга бир парча қофоз тутказди-да:

– Мана бу ходим Қирғизiston ИИВ ихтиёрида. Зудлик билан уни шахсий делосини қаҳири, ўрганиб фикрингизни айтинг, – деди. – Бу бош-

қарма бошлигининг топшириги.

Маҳкамжон ака Андижон вилоят ички ишлар бошқармасига келгач, бир неча кун унинг малакаси, лаёқатига лойиқ лавозим танлаш имкони бўлмади. Шунда у вақтинча кадрлар бўлими ихтиёрига келди.

Кўп ўтмай Маҳкамжон ака вилоят ИИБ жиноят-қидириув бўлимидаги катта нозир сифатида иш бошлади. Уни жиноят очишдаги маҳорати тез кунда маълум бўлди ва бошқарма раҳбарияти уни мазкур бўлим бошлигининг муовини лавозимига тайин этди.

Нурмат Жуманиёзов соғайиб чиққач, ҳарбий бўлинмалар ҳамда ҳарбий билим юртларидаги курсантларга сабоқ берди. Тез-тез маҳсус топшириклар билан фронтга бориб турди. Сардорлар малакасини ошириш курсини ҳам тамомлашга улгурди. Роппа-роса 10 йил оловли йилларни бошидан кечирган жасур ўғлон ўз Ватани – Ўзбекистонга қайти.

Жангоҳларда тобланган Нурмат Жуманиёзовни вилоят ички ишлар бошқармасига таклиф қилишиди. Кўп ўтмай унга юксак ишонч билдирилиб, бўлим бошлиги вазифаси топширилди. Ишchan, топширикларни бекаму кўст бажара олади-

ган бу инсон бошқарма ҳамда вазирлик раҳбариятини ишончини қозонди. У 1957 йилгача вилоят ИИБга раҳбарлик қилди. Беш йил эса кадрлар бўлимини бошқарди. Урганч тумани ИИБга бошчилик қилган йилларда ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, халқ осойишталигини таъминлашда бор кучгайратини аямади. Нурмат аканинг кўксини ўнлаб месаллар безаб турибди.

Ички ишлар фахрийси Нурмат ака Жуманиёзов айни кунларда ҳам эл-юрт осойишталигини таъминлашга баҳоли кудрат ҳиссасини кўшиб келастир.

**Х. ЖАББОРОВ.**

Маҳкамжон ака ҳалол меҳнати, самимилиги, меҳрибонлиги,adolatli талабчанлиги билан бошқарма шахсий таркиби, жамоаси орасида катта ўтибор толди, бошқарманнинг жиноят-қидириув бўлимига бошлиқ бўлди ва шу лавозим, милиция подполковники унвонидан фахрийликка узатилди.

М. Матқобулов эллик этии ёшида оламдан ўтди.

Маҳкамжон аканинг ушалмаган озуларини бугун унинг шогирдлари, фарзандлари рўёбга чиқармоқда. Маҳкамжон акага ўхшаш бағри кенг, дили пок инсонлар, беғараз, гамхур устозлар шогирдлари, яқинлари хотирасида доимо қолади.

**Тўхтасин**  
**РАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
истеъфодаги милиция подполковники.

## Фарзанд дағди

**Сарисиё толларида шахид кетган 26 ёшли ўғлим Акбар ЭСОНОВ хотирасига**

Фам менинг қаддим букди, кўз ёшларим уч Жайхун, Бирни сув бўлиб оқар, бирни зардоб, бирни хун, Бағри кабоб отамен, ҳасратдан ҳолим забун, Ёш ўғлимдан айрилдим, жотамсаромен бугун, Ўслин кўмган отанинг дағди адо бўлмагай.

**Ватан деган, Онам деган Акбаргинам турмайди,**  
**Шаҳнозанинг кулгусин наҳот, наҳот кўрмайди?!**  
**Ахоржондан дадасин ўтоқлари сўрмайди...**  
**Чархи кажрафтор измин, алҳол, ортга бурмайди,**  
**Шоиранинг қалбида, энди ҳижрон гуллагай.**

**Мангу қайтмас бўлди у, ғамбода бўлма, Жаббор,**  
**Обод кўнглини бузмагин, энди кўрмассан дийдор,**  
**Шукр қилгин Оллоҳга, ўслиндан нишона бор,**  
**Болажон деб йиглама, Яздан бўлсин сенга ёр,**  
**Маржон-маржон ёш тўқма, қўйгин, фойда бермагай.**

**Ватан учун жон берган кенжса ботир, Акбаржон,**  
**Юрагим ёнар бўлди мисли Кабир, Акбаржон,**  
**Сенга жаннат, менга-чи, энди сабр, Акбаржон,**  
**Номинг мудом Ватанда топгай қадр, Акбаржон,**  
**Қабрингда тинч ёт, болам, энди ёдинг билан яшай!**

**Жаббор ЭСОНОВ,**  
Термиз шахри.

## Жангоҳларни кўрган

**Кутилмаганда Нурмат аканинг хонадонига қора хат келди. Үйидагилар, қариндошуруғларининг тинчи бузилди. "Кирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади", дейишиди. Бу бежиз айтилмаганди...**

Урганч туманидаги сттийлик мактабда директорлик қилаётган Нурмат Жуманиёзов 1939 йил ноябрь ойида хизматта чақирилди. Тамбов ҳарбий пиёда билим юртини муваффақиятли тамомлади. Бу ўзбек йигити урушнинг биринчи кунидан қўлини сардори сифатида душманга қарши жангга кирди. Мислсиз жангларда Нурмат сардорлик қилган бўлинма ҳам мардонавор курашиди. Ана шундай шиддатли тўқнашувларнинг бири бир неча кун давом этди. Сардор оғир яраланди. Узоқ вақт госпиталда ётиб даволанди. Ҳарбий бўлинма раҳбарлари билмасдан жасур жангчининг уйига қора хат жўнатишади.

Гулистон шаҳаридаги кўчалардан бири ички ишлар хизматининг ходими Раҳмонқул Аноров номи билан юритилади. Ўша куни Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимига ташвиши хабар тушади. Шу шаҳарда истиқомат қилувчи Абдурашид Хайрон оилавий жангжал туфайли хотинини пилоқлашди, қизининг ёнини олиб, кўёванинни тартибга чиқарниб кекса қайнотасини ҳам аямай пилоқлаш ўлдиради. Милиция подполковнити Г. Пшеничников, милиция лейтенанти М. Пирматов, милиция лейтенанти Ш. Ҳабибов

**Қоюм КАРИМОВ.**

Уйнинг энг тўрида туар бир сурат, Ўткір кўзларидан жасорат балқир.

Кейинчалик милиция ҳаёти билан чукурроқ танишиш имконини берган китобларни ўқиб, киноларни кўрганимдан кейин дадамларнинг касбларига қизиқиб қолдим.

Дадам Алишер Немматов ички ишлар хизматининг турли тизимларида ишлаганлар. Охирги пайтда Бухоро вилояти ИИБ навбатчилик қисмига ўткашибганди. Мен доимо дадамга, албатта, сиз каби милиционер бўлман дардим. Улар бунинг учун мактабда яхши хулқли бўлиб, аъло баҳоларга ўқиши ло-

## Дадамга ўхшагим келади

**Болалигимда маҳалламдагилар мени исмимни айтиб эмас "мелисанинг ўғли" деб чақиришарди.  
Мактабга борганимдан кейин, синфдошларим хавас қилиб, сен ҳам даданг каби милиционер бўласанми, дея сўрашарди. Очиги, негадир милиционер бўлиш менга ёкмасди. Сабаби, дадам щатто дам олиш кунлари ҳам ишда бўлардилар.**

зимлигини уқтирадилар. Дадам хизмат пайтида тўсатдан вафот этганларидан кейин уларнинг ҳамасблари бизларни ёлғизлатиб қўйишмади. Оила-

мизга бошқарма раҳбарияти тўрт хонали уй берди. Дўстлари, ҳамасблари тез-тез келиб туришади, кўнглимизни кўтариб, дадамни эслаб, яхши хислат-



ўсганимдан фахрланаман. Мен ҳозир Бухоро шаҳар автомобиль йўллари билим ютида ўқияпман. Онам ва икки синглум билан яшаймиз. Милиция ходими бўлиш орзуимни онамга айтганимда, улар курсанд бўлдилар. Ўғил ота изидан бориши керак дедилар. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида хонадонимизга бизни ўйқлаб, дадамларни эслаб кўпчилик келди. Улардан миннатдормиз. Ҳаётда орзуим отам каби милиция ходими бўлиш.

**Адҳам НЕММАТОВ,  
Бухоро шаҳри.**



## УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

**Йигирма беш йил  
кўзимнинг корачигидай  
авайлаб ўстирган  
фарзандим,  
жигарбандим  
Ахмаджонимдан  
айрилиб қолдим. Ёғоч  
отларга миниб, мени  
ташлаб абадий уйига  
кетган болам...**

Онанинг дил нолаларидан.

Ахмаджон Қурбонов отонасининг дилбанди, кўз корачиги эди. Бир йигит вояга етгунча ота-она қанча меҳнат қиласди. Тетапоя бўлганда кувонишлар, мактабга борса, йўлини пойлаб ўтиришлар, смай-едириб, ичмай иқказиб ўстиришлар... Эндинга кучга тўлган эди у. Ҳали кўёвлик тўнин киймаган эди. Кечагина орамизда юрган Ахмаджон бутун бизни ташлаб кетди. У 25 йил умр кўрди. Шугина умрини беҳудага ўтказмади: аскарлик хизматини ўтади, Ўзбекистон ИИБ Академиясига сиртдан ўқишига кирдилар. Аммо...

... Самарқанд давлат тибиёт олийгоҳининг биринчи курсида ўқирдим. Ёзги сессияда охирги имтиҳонларни топшириб юрган кезларим Тайлоқдан Самарқандга қатнайдиган автобусда хаёл сурганимни кетардим. Автобусда кўшинимиз Исматулло ака ҳам бор экан. Ҳарбий хизматдан яқиндагина қайтганлари учун аввал у кишини танимадим, кейин Исматулло аканинг ўзлари гап бошлаб, сұхбатимиз шаҳарга етгунча давом этди. У киши Самарқанд давлат университетининг биология факультетининг кечки бўлимни ўқишиларни, милицияга ишга кираётганликларни гапирдилар.

... Илк баҳор фасли Исматулло ака мени туғилган кунларига таклиф этдилар. Талабалар ўйин-кулгиси тонггача давом этди. Орадан тўрт кун ўтиб, мен ҳам таваллуд кунимни ниншломоқчи бўлдим. Курсдошларим, синфдошларим ва ... Исматулло акани ҳам меҳмонга таклиф қилдим.

Шу-шу бўлди-ю Исматулло ака билан учрашадиган бўлдик. Муҳаббатимиз кун сайин мустаҳкамланинг борвараридан фахрлансалар арзиди.

Исматулло аканинг ҳамасблари, бошқарма раҳбари, ҳолимиздан хабар олиб туришади. Байрамларда унтишмайди. Бошқарма хотира таҳтасига фарзандларимнинг отасининг расми кўйилган. Бу, албатта биз учун катта мадад ва ифтихордир...

**Хуршида ИСМОИЛОВАнинг хотираларини оқка кўчирувчи милиция лейтенанти  
М. АБДУРАХИМОВА,  
Самарқанд-Тайлоқ.**

**Мелихон ЭШАЛИ қизи.**  
Сурхондарё вилояти.

## ЭЛНИ СЕВГАНИИ ЗЛ СЕВАДИ



**Ўтган йилнинг қиши фасли эди чори. Тогам – шоир  
Яхё Тога маъюс киёфада "Алиҳайдар акани  
билимидинг, кеча вафот этиби", деди. Кўксимда  
нимадир узилиб кетгандай бўлди. Нега билмайин,  
билиман, яхши кўрардим бу ажойиб инсонни..  
Хатто, у киши билан бир муддат бирга ишлаш  
баҳти ҳам насиб этган менга...**

Алиҳайдар Аҳмедов 1962 йили ички ишлар идораларида ишга юборилди. Дастлаб шаҳар ички ишлар бошқармасининг ДАН бўлинмасида оддий милиционер, сўнгта йўл назорати нозирни вазифаларида ишлади. 1967 йилдан то 1976 йилгacha шаҳарнинг Миробод туманинда ички ишлар бўлимида юзлаб шогирдлар тайёрлади. Нафақага чиқсан пайтида ҳам шогирдлари уни доимо ўйқлаб туришарди.

Алиҳайдар ака ички ишлардаги хизмати мобайнинда юзлаб шогирдлар тайёрлади. Нафақага чиқсан пайтида ҳам шогирдлари уни доимо ўйқлаб туришарди. Ўзи яшаган А. Икромов туман "Ўткір" маҳалласида ҳам унинг ўз ўрни, хурмати бор эди. Алиҳайдар ака бу ерда умрининг охиригача маҳалла қўмитасига бошлини қўлди.

Бутун Алиҳайдар ака орамизда йўқ. Бироқ унинг элга қилган хизмати, одамларга қилган яхшиликлари унтилмайди. Унинг ишини юзлаб шогирдлари давом эттироқдалар.

Ха, бу ажойиб инсонни нафақат мен, жуда кўпчилик севарди, ҳурмат қиласди. Қўлидан келганича ҳаммага яхшилик қўлувчи, фагат эзгуликни ўйловчи шундай одамни севмай бўладими...

**Обидхўжа СўФИХОНОВ.**



## БИЗ СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

... Самарқанд давлат тибиёт олийгоҳининг биринчи курсида ўқирдим. Ёзги сессияда охирги имтиҳонларни топшириб юрган кезларим Тайлоқдан Самарқандга қатнайдиган автобусда хаёл сурганимни кетардим. Автобусда кўшинимиз Исматулло ака ҳам бор экан. Ҳарбий хизматдан яқиндагина қайтганлари учун аввал у кишини танимадим, кейин Исматулло аканинг ўзлари гап бошлаб, сұхбатимиз шаҳарга етгунча давом этди. У киши Самарқанд давлат университетининг биология факультетининг кечки бўлимни ўқишиларни, милицияга ишга кираётганликларни гапирдилар.

... Илк баҳор фасли Исматулло ака мени туғилган кунларига таклиф этдилар. Талабалар ўйин-кулгиси тонггача давом этди. Орадан тўрт кун ўтиб, мен ҳам таваллуд кунимни ниншломоқчи бўлдим. Курсдошларим, синфдошларим ва ... Исматулло акани ҳам меҳмонга таклиф қилдим.

Шу-шу бўлди-ю Исматулло ака билан учрашадиган бўлдик. Муҳаббатимиз кун сайин мустаҳкамланинг борвараридан фахрлансалар арзиди.

Исматулло аканинг ҳамасблари, бошқарма раҳбари, ҳолимиздан хабар олиб туришади. Байрамларда унтишмайди. Бошқарма хотира таҳтасига фарзандларимнинг отасининг расми кўйилган. Бу, албатта биз учун катта мадад ва ифтихордир...

**Хуршида ИСМОИЛОВАнинг хотираларини оқка кўчирувчи милиция лейтенанти  
М. АБДУРАХИМОВА,  
Самарқанд-Тайлоқ.**

## КАМТАРИН ИНСОН... ЭДИ

1993 йил ноябрь ойи эди ўшанда. Хизмат жойим – Пахтакор тумани ИИБ-дан республика Ички ишлар вазирлигига ҳафтагида ўқишига юборилган эдим. Вақт топиб ўзим қадрлаган "Постда" газетаси таҳриятияни кириб бордим. Мени истараси иссиқ, ўрта бўйли киши худди қадрлонлардек жилмайиб қарши олди. Билсам у муҳаррир ўринбосари Сиддиқжон ака Сулаймонов экан.

Бўш пайтларимда

шевъ машқ қилиб тураман, – дедим у кишига.

– Марҳамат, бемалол қолдириб кетаверинг, лозим топсак ўзлон қиласмиш, – деди Сиддиқжон ака.

Шу сұхбатдан ҳеч вақт ўтмай ўқиши ҳам ниҳоясига етиди ва мен Жиззахга қайтиб кетдим. Ишхонада яқининада келтирилган "Постда" газетасини варақлаб, кўзларимга ишонмадим. Унда шевъим чиққанди.

Худди кечагидек ёдимда, Сиддиқжон ака билан охирги марта бундан тўрт йил

аввали сўнгти бор кўришдик. Биз ҳаёт, ижод қирралари, журналист маҳорати, инсонлар ҳақида узоқ сұхбатлашдик. Сиддиқжон аканинг теран фикрлари, бой ҳаёттй тажрибаси мени лол қолдирган эди. Бу учрашув ҳаётимизда сўнгтиси эканлигини ким хаёлига келтириди, дейсиз.

Начора, ўлим ҳақ. Бутун Сиддиқжон ака орамизда бўлмасалар-да, у кишининг порлоқ хотираси, газеталарда ўзлон қилинган мақолалари бир умр ёдимизда қолади.

**Туроб ҚОРЖОВОВ.**

Шаҳар ва туманларда хайрия концертлари уюштириб, тушган маблагларни хизмат бурчини бажариш чорига ҳалок бўлган ҳодимларидан оила аъзоларига бериш аньана тусига кирган.

Бўка тумани, Олмалиқ шаҳрида ҳам таникли хонандалар, сўз усталари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишилари муваффақият билан ўтди. Навбатдаги концерт эса Бекободда уюштирилди.

Хайрия тадбирида II даражали "Шон-шараф" ордени сохиби марҳум милиция полковники М. Маҳкамов, милиция капитани И. Ҳамидовларининг мардликлари хотирланди.

**Ш. ЖЎРАЕВ.**

## Чўккан кўнгилларни кўтариб

**Шаҳар ва туманларда хайрия концертлари уюштириб, тушган маблагларни хизмат бурчини бажариш чорига ҳалок бўлган ҳодимларидан оила аъзоларига бериш аньана тусига кирган.**



## СУРАТ

(Сафдош дўстим, милиция майори  
Файзуло Элмуродов хотирасига)

Уйнинг энг тўрида туар бир сурат,  
Ўткір кўзларидан жасорат балқир.  
Куни кечаки менга ёндош, ҳамсуҳбат  
Бўлганин эсласам, кўз ёшим силқир.

Андух, армон билан боқиб суратга,  
Алавидо дейишга бормайди тилим.  
Бизларни қолдириб мангу ҳасратда,  
Сени олиб кетди бемаҳал ўлим.

**Абдуғани ХУДОЁРОВ,**  
истеъфодаги милиция подполковниги.

# Tabassum + TV

## Постоја gazetasining ilovasi

HAFTALIK

DASTURLAR



— Кечикдинг,  
мени шундоқ ҳам  
чоп этишиди.



## Сўз қуш эмас, заминдан оғир

**Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гурӯхининг катта инспектори, милиция майори Ўроз Ҳайдаров муштарилинига яхши таниш. Унинг вилоят ИИБ ходимларининг фаолиятини акс эттирувчи турли мавзулардаги мақолалари, тезкор хабарлари газетамиз саҳифаларида мунтазам ёритилади. Бундан ташкири унинг ранг-баранг шеърлари ҳам газетамиз, "Qalqon" журнали саҳифаларида чоп этилган. Унинг ички ишлар ходимлари ҳаёти, фаолиятига бағишлиланган "Қуёш ўтови", "Кийловчи тошлар", "Мусиқор", "Қизалоқ ва қизғалдок", "Хатарли хилватгоҳ" каби қатор китоблари аллақачон ўз мухлисларини топган. Қуйидан шоирлик, журналистлик фаолияти билан бирга ички ишлар идораларида ишлашдек масъулиятни ҳормай-толмай адо этиб келаётган милиция майори Ўроз ҲАЙДАРОВ билан мухбириимизнинг мусоҳабасини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.**

— Ўроз ака, шоирлар гўзаллик кўйчиси. Мисрларда руҳ товуши, сўзлар оҳанг жилваланиши кепак. Бу бевосита нафосат ва нозиклик ўйгунилигини талаб қиласди....

— Ҳақ гап. Сўз бу мўъжиза. Инсонни химоя қиладиган ҳам, юксакка кўтарадиган ҳам сўз. Қурбон Эшматов деган таникли журналист бор. У ҳарбий хизматни Россияда ўтаган. У украин йигитларнинг сафиға бир ўзи тушиб қолган экан. "Бир куни барчамиз саф тордик, — "бос"лардан бири келди-да ёнимдағи йигитдан фамилиясини сўради. Латиш йигит фамилиясини айтди. Бир пайт мушт зарбидан чархпалак бўлиб орқага учди. Навбат менга келди. "Как фамилия?" леди "дед" фўлдираб. Сўз ўйини яхши-да, чўчибми ё үддабуронлигим тутдими "Эшматенко" деб юборибман. Украиналик "дед" мийигида кулди-да, елкамга қўлини ташлаб: "О, наш" деб алқаб қўйди. Хизматдош украин биродарларим "дед" кеттандан кейин қорнини чанглаб роса кулишди. Сўз тошни эритади деб шунга айтади-да.

Сўз қуш эмас,  
заминдан оғир,  
Аммо парвоз  
этиши мумкин.  
Осмон унинг  
ёғиз қаноти,  
Замин эса  
чехраси унинг.  
Сўз шундайин саҳий  
ва хотам,  
Фалак тошин  
бетиг тараиди.  
У оламга боққанида ҳам  
Куёш кўзи билан  
қарайди.

— Ўроз ака, юрак қаъридан қайнаб чиқсан шеърлар, ҳикоялар, қиссалар ёзиш билан бирга вилоят бўйича хизмат қилаётган ички ишлар ходимларининг сермашаққат ҳаёти, фаолияти, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида тезкорлик билан катта-кичик мақолалар ёзинга қандай улгарасиз?

— Халқимизда "иш қуролинг соз бўлса ишнинг унумли бўлади" деган гап бор. Мен бу гапни "иш қуролинг соз бўлса, ишхонангда раҳбарларинг сени тушунишса, хизматингни қадрлашса, оиланг тинч бўлса меҳнатдан барака топаверасан" деб ўзгартирган бўлардим. Инсон эрта тонгда хизматга отланганда оиласи табассум билан кузатса, ишдан қайтганда "ҳорманг" деб кутиб олса; ишхонангда ижод қилишинг, тезкор вазиятларда касбдошларинг билан бирга воқеа жойларига бориб, бўлиб ўтган ҳодисаларни ўз кўзинг билан кўришинг ва кўнгилдагидек қилиб қоғозга туширишинг учун етарли имконият бўлса ҳар қандай қаламкашнинг ижоди гуллаб-яшнайверади.

— Сизнинг қатор тўпламларингиздан бири — "Хатарли хилватгоҳ"ни варақлар эканмиз, ундағи "Қабоҳат", "Кобра"нинг енгилиши", "Қотиллар", "Чолининг ўлими" каби қатор ҳикояларда ички ишлар ходимларининг эл-юрт осойиштаги йўлида қилаётган тинимсиз меҳнатларини, қабоҳат, разолат устидан ҳамиша адолат, ҳақиқат устун чиқинини кўрамиз. Тўпламдаги ҳамма ҳикоялар ўкувчидек ички ишлар ходимлари ҳаётидан олинган.

Бу борада мен шуни фахр билан айтаманки, Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, вилоятдаги туман ва шаҳарлар ИИБ раҳбарлари матбуот ишларига ҳурмат билан қарайдилар. Вилоят ИИБда матбуот гурӯхимиз ходимлари учун алоҳида



фаолиятига таалуқлидек таассурот қолдиради. Ҳақиқатан шундайми, ё?..

— Менинча, ҳар бир ижодкорнинг ҳар қандай асарига у хоҳ шеър, хоҳ ҳикоя ё роман, қисса бўлсин, унинг остида маълум бир ҳақиқат, воқеа-ҳодиса борки, ёзувчи уни сайқалла, безаб, шакл ва мазмун бериб, мукаммал асар ҳолига келтиради. Яъни, ҳар қандай асар ёзилишига ҳаётдаги бир воқеа-ҳодиса турткি бўлади. Менинг ҳикояларим ҳам айнан ҳаётда юз берган воқеа-ҳодисаларнинг бадиийлаштирилган кўринишидир.

— Ички ишлар соҳасида ишлаб ютказмадингизми?

— Асло! Аксинча, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳаёти тўғрисида иккита тўпламим нашр этилди. Доимий телекўрсатувлар, радиосуҳбатлар, мақолалар тайёрлаш кундалик вазифам мундарижасини ташкил этади. Бир асарим саҳналаштирилмоқда. Экранга чиққандан сўнг томошибин ўз баҳосини беради. Асар мавзуси ички ишлар идоралари ходимлари ҳаётидан олинган.

Хорижий детектив фильмлар, романларни

кўриб ё ўқиганингизда кўпинча ёвзлик биринчи планга чиқиб кетади. Бу яхши эмас. Фарзандингиз ойнаи жаҳонда намойиш этилаётган фильмдаги террорчи одамларни қирғинбарат қилаётганидан завқ-

